

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТӢ

РҮЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИКА БОШЛАГАН

ВИЛОЯТ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РҮЗНОМАСИ

1991 йил 9 ноябрь • шанба
№ 217 (10.213). Баҳоси 10 тийин.

МЕХР-ОҚИБАТЛИ
БУЛАИЛИК

ЯНГИ ЖАМИЯТ ТУЗИЛДИ

Халқ депутатлари Қиброй ноҳияси. Кенгаши ижроия қўмитасининг ташаббуси билан ноҳияда ногиронлар жамияти тузилди. Яқинда шу жамиятнинг бир қатор масалаларни ўз ичига олган таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамиятнинг 260 аъзови қатнашиб, долзарб вазифаларни аниқлаб, амалга оширилиши керак бўлган ишларни келишиб олишиди.

Маълумки, хозир ҳар қандай масалани ҳал қилиш учун биринчи навбатда маблаг керак. Шунинг учун таъсис йиғилиши ўз ишини ноҳияда ногиронлар жамгармасини очишдан бошлади. Ноҳиядаги 15 та ташкилот ва корхона бу ишни ўз оталикларига олишга рози эканликларни билдирилар. Ногиронларни ўз ҳомийлигига олишини истовчи бундай корхона ва ташкилотлар мөддий ёрдам беришдан ташқари кичик корхоналар очишда ҳам кўмаклашадилар.

Йиғилишда Одилжон Комилов ногиронлар жамиятининг раиси этиб сайланди. У бу жамиятнинг тузилишида ташбускор бўлган ҳалқ депутатлари Қиброй ноҳия Кенгаши ижроия қўмитасига, ногиронларни ҳам мөддий, ҳам рӯзан қўллаб-цувватлаётган ташкилотларга, юздан ошик ногиронни ноҳиянинг «Давр овози» рўзномасига бепул обуна қилганилиги учун Қизил ярим ой жамиятига миннатдорчилик билдири.

Т. ЕРҚУЛОВ.

• ҚИШЛОҚ-ШАҲАРГА .



МУЛҲОСИЛ

• ТОШКЕНТ ноҳиясига «Ўзбекистон 50 йиллиги» жамоа хўжалигининг деҳқонлари кечки карам, сабзи сиягари сабзавотлардан мўлҳосил етиштирилар. СУРАТЛАРДА: (юкорида, чапда) 11-бригада зевно бошлиги Робида Ирисбоева ва Ҳанифа Зиётова; (ўнгда)

юкорида) 2-бўлим агрономи Самандар Файзиев ва 16-бригада бошлиги Сайдмурод Дўсимметовлар; (частда) сабзи ҳосилини йиғиштириб олиш пайти.

Сураткаш

Фазлиддин Абдурасул
АЪЗАМХОН ўғли.

• ОБУНА—92

МУШТАРИЙЛАР
ДИҚҚАТИГА!
ОБУНА
15 НОЯБРГАЧА
ДАВОМ ЭТАДИ

1992 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна давом этмоқда. Бошқа нашрлар қатори «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» рўзномасига ҳам барча алоқа бўлнимларида обуна қабул қилинмоқда.

«Тошкент ҳақиқати»нинг бир йиллик обуна баҳоси — 25 сўм 68 тийин, ярим йилга 12 сўм 84 тийин, уч ойга эса 6 сўм 42 тийин.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР! Фурмат ганиматлигида ўз рўзномангиз «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га обуна бўлишга шошилинг!

МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ

ҚЎЛИНГИЗ ДАРД ҚЎРМАСИН

НЕВАРАМ Ихтиёр Туйчиевни тиши қаттиқ шамоллаб, ахволи оғирлашиб қолган эди. Тошмиға одиб бордик. Операция мувоффакиятли чиқди. Неварам тез кунда чонқиллаб юрадиган овқат ейдиган бўлди. Унинг соғайтанини кўриб кувонган бўлсан, ҳамширларнинг ширинсўзлигидан, ўз касбига садоқатли эканлигидан кўнглим тоздай кўтарилди. Тошкент медицина институти 1-клиникаси болалар бўлнимида хизмат қилаётган А. Орифжонов, М. Дўстмирдаммедин, Ф. Наврӯзова, Абдураҳмонова, Н. Нажимова каби врач ва ҳамширларга миннатдорчиллик билдирамиз.

Савринисо ЯРАШЕВА,
Урга Чирчиқ ноҳиясидаги
Охубобоев номли жамоа хўжалиги.

УРТА ЧИРЧИҚ НоҲИЯСИДА

ҲАР БРИГАДАНИНГ ЎЗ БУҒДОЙЗОРИ БЎЛАДИ

Ҳа, келгуси йилда Урта Чирчиқ ноҳиясидаги Энгельс номли жамоа хўжалиги ана шундай ишлар амалга оширилади. Ҳозирча эса...

ҲАР ХОЛДА Энгельс жамоа хўжалигининг раҳбарлари ва деҳқонлари қишига зарур озиқ-овқат маҳсулотларидан қийналиб қолмаймиз, деб хуласа чиқаришяпти. Бундай дейишга асос бор. Чунки унча-мунча нарсалар гамлаб қўйишиди. Колхоз аъзоларининг оиласаларига 50 килограммдан буғдой, 100 килограммдан картошка, 100 килограммдан пиёз тарқатилди.

Ҳўжалик раҳбарларининг тинмай изланаётганликлари ва меҳнаткашлар ҳақида қайғураётганликлари турғали оиласалардаги озиқ-овқат заҳиралари кўпайиб бораётти. Жумладан, ҳўжалик ҳисобидан 20 тонна ун ва 2,1 тонна макарон тарқатилди. Бу маҳсулотлар айрбашлаш йили билан бошса жойлардан келтирилганди.

Бундан ташқари яна Қоғистоннинг Сайрам ноҳиясидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги билан 50 тонна унга, «Мантайтас» шуроҳўжалиги билан эса 50 тонна буғдойга шартнома тузиб қўйилган.

Ҳўжалик раҳбарларининг уддабуронлигига қойил қолса бўлади. Аммо уларнинг ўзлари бу ишлардан унчалик қониқмаётирлар. Тупроғидан тилло унадиган ерларимиз бўла туриб, нима учун галла сотиб олишимиз керак, дейишмоқда. Ва галла тақчиллигига барҳам бериш учун ҳўжаликда жами 20 гектар ерга буғдой экиш мўлжаллананти. Шундан 130 гектардагиси суғориладиган майдонларни ташкил этади. Жумладан ҳар бир пахтачилик бригадасида 10 гектардан буғдойзор бўлади.

Келажакда асосий масала — дон масаласи ички имкониятлар ҳисобига ҳал этилади.

Б. МАҶМУРОВ.



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РУЗНОМАСИ ҲАМДА УЗБЕКИСТОН ТАРИХ ВА МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ САҚЛАШ ЖАМИЯТИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЕНГАШИННИГ ОЙЛИК НАШРИ

«ЭЙ, ФАРЗАНД, агар табиб бўлсанг, тиб илмининг усулини яхши билғил, нединким бу илим яхши илмурд ва ул фойдали илмлар жумласидандур. Билғил, одамларнинг шамасида нимаики бўлса, ёки табиатга тегиши бўлади ёки табиатдан ташқари бўлади. Табиатга дахлиги уч хил бўлади: биринчи хили танининг барқарорлигини ва мустаҳкамлигини сақлайди. Иккинчи эргашувчидирки, танини бу ҳолдан бошқа бир ҳолга айлантиради, учинчи хили эса, табиатдан ташқари бўлиб, бевосита ёки бильвосита танага зарар етказади.

Инсоннинг танасини ушлаб тургувчи нарсалар ё моддий ёки сурати ҳиссий бўлур. Моддани узоқ бўлғон унсур тўртадур: ўт, сув, тупрок ва ҳаводур. Ёки мижоз — ул элементга яқин бўлур. Уларнинг миқдори тўқизатга бўлур: бирни мўтадил, саккизаси номўтадилларки, уларнинг тўрттаси содда, тўрттаси мураккабдур. Ана шуларнинг барчаси мижозга яқиндур. Бундан ахлат миқдори тўртадур: қон, сафро, балгам, савдо (сарик-яшил суюқлик). Ахлатнинг яқинлари ана шулар. Масалан, аъзонинг таркибий кисми бир таълимотга қарагонда тўртта, иккичи бир таълимотга қарагонда иккитадур. Бу байн қолгонларнинг маъноси шундайки, аъзонинг таркиби ахлатандур, ахлатнинг таркиби эса мижоздан дур. Мижознинг таркиби унсурдан дур. Элемент одам танасидан узоқроқ маддадур, ахлат яқин маддадур.

Сурати ҳиссий уч турда бўлғусидур: қавий (куч-энергия), ал-афъол (ҳаракат) ва арвоҳ (руҳ). Қавий ҳам уч қисмдур: нафсоний, ҳайвоний ва табиий. Нафсоний олти қисмдур: кўрмоқ, маза билмоқ, эшитмоқ, ҳидломоқ, кувват-ҳаракат. Бу қисмлар аъзонинг сони била

баробардур. Кувват-ҳаракат уч бўлимдан иборатдур. Булар: ёнил қиммоқ, фикрламоқ ва хотира. Ҳайвоний қавий иккиси хилдур: фаол, нофаол. Табиий қавий уч хилдур: ишлаб чиқарувчи, ташкил этувчи, сингдириш.

Ҳаракат — қувватнинг миқдори ҳам нафсоний, ҳайвоний ва табиий бўлғусидур.

Арвоҳ уч қисмдур: нафсоний, ҳайвоний ва табиий. Шул боисдан ҳам арвоҳ қувватнинг ходимиудур. Шу сабабдан ал-

табиатининг хушнудлиги ва маъюслиги; олтинчи — таомдаги ўзғаришлар, масалан, там, ғазаб, ҳаф ва шунга ўхшаш руҳий ҳолат. Буларни шунинг учун зарурий дерларки, одам булардан ҳоли бўла олмайди, булардан ҳар бири инсон танасида ҳаракатга эга бўладилар. Агар инсон шуларнинг бирор нотўғри фойдаланса, қасаллик ва иллат пайдо бўлғусидур.

Ирз (симитом) уч қисмдур, ҳаракатга тааллуқли бўлғон

мини тиласанг, «Ан-Нафс», «Ал-Хисс ва-л-махсус» китобларидан излагил. Аъзолар илмини «Ал-Илал ва-л-амроуз ал-мараз» китобининг биринчи мақоласи «Ал-Ҳайвон ва ақсо-му-ал-мараз» китобидан излагил. Бу китоб ҳам «Ўн олти» китобига кирадур».

ТАЙЁРЛОВЧИДАН: Табобат илми мураккаб илмлардан дур, чунки у инсон аъзолари билан боғлиқ бўлиб, биргина хато билан инсонни ўлдириш ёки биргина яхши муолажа билан умидсиз одамни ҳаётга қайтариш мумкин. Табибларнинг бутун мўъжизалари уларнинг беморга нисбатан диккат-этиборларининг кучлилигидадир. Ана шу куч туфайли улар беморларни оёқча турғазадилар. Табиб беморнинг аҳволини яхши билиши, яхши муомалада бўлиши, оғир аҳволдаги беморнинг ҳам кўнглини кўтара олиши, бир оғиз ширин сўзи билан дардан форин қила оладиган кучга, кобилията эга бўлиши керак. Фақат тетик, иродали одамгина табиб бўлиши мумкин. Улуғ алломалардан Муиниддин Жувайнин шундай ёзди:

Кунинг жамолини кўрай
деса ким,
Туида сабр қиммоқ ёлгиз
кораси.
Гавҳар қидибуочи меҳнатдан
қўрқса,
Қўлига чиқмагай дурнинг
сараси.

Яъни, бирор киши илм ўрганишда сабр қиласа, ўз мақсадида етишади. Табобат илмидан қийинчилклардан қўрқмасдан, (илмни) сабру-қаноат билан ўрганиб, табобатнинг назарий ва амалий томонларни муқаммал эгаллаган кишигина этиборга лойиқдир.

Ушбуни ёзишда С. ДОЛИМОВ томонидан тайёрланган нусқадан фойдаланилди.

• ҚОБУСНОМА: • «ТИБ ИЛМИ РАСМИ ЗИКРИДА»

афъол миқдори қавий миқдори била мос келгай. Танинг мустаҳкамлиги ва бекарорлиги бирон бир нарсага боғлиқдур. Масалан, семизлик мижоз соғуқлигининг оқибатидур, қизиллик қоннинг, сариклик сағронинг оқибатидур, қон томирининг ҳаракати, ҳайвонот кучнинг нофаол ҳаракатнинг оқибатидур, ифрат мўтадил даражадаги шахват қувватининг оқибатидур, дошишмандлик сўзловчининг ваз-минлигининг оқибатидур.

Танинг бир ҳолдан иккичи ҳолға айланиши зарурий сабаб деб атальди. Бу олти хилдан иборат: биринчи — ҳаво; иккичи — таом; учинчи — ҳаракат; тўртинчи — уйқу ва бедорлик; бешинчи — киши

ирз; қасалнинг ташки аломати ёки қайт қилишга тааллуқли бўлғон ирз; ёхуд отилиб чиқиша пайдо бўлғон ирз.

Билиш керакки, тиб илми иккиси қисмдур: назарий ва амалий. Амалий қисмини баён қилдим. Энди буларнинг назарий қисмини қандай қидириб топиш кераклигини баён қиламан. Юқорида сўзлағонларимни Жолинус Ҳаким «Ўн олти» («Ситта ашар») исмли китобида изоҳлайдур ва мукаммал баён қиладур. Мижоз илмини «Ўн олти» трактатига кирғон «Мижоз» китобидан излагил. Ахлот илмини «Ўн олти»га кирғон «Қуввати табия» китобидаги иккичи маколадан излагил. Ҳайвонларнинг қувватлари ҳақидоги илмини «Ўн олти»га кирғон «Аннабз» китобидан излагил. Қувват ва ҳаракат ил-

Х. Раҳматуллаев биринчи бўлиб жанубий Тянь-Шаньдаги олтин конлари билан мунтазам алоқада бўлиш маҳасасини кўтартган. Унинг қилган меҳнатлари натижасида 20 дан зиёд минерал бойликлар топилди. 160 га яқин илмий маколаларида кўпина муаммолар ечимларни топиш йўллари ҳақида сўз юритди. Кўплаб тўплам ва лекциялар муаллифи Хайрулла ака академик Х. Абдуллаев ҳаётни ва фаoliyati билан шуғулланаб, у ҳақда ҳамда геология ва геофизика институти ҳаётини ёритувчи ҳужжатли фильмлар сценарийларини яратган.

Шу йилнинг апрель-май ойларидан Ўрта Осиё бўйлаб ўқазилган «Буюк ипак йўли» бўйлаб» халқаро экспедицияси Хайрулла Раҳматуллаевининг илмий раҳбарлигига ушотирилган. Хайрулла Раҳматуллаев фойдали қазилмалар геологияси бўйича йирик мутахассис ҳисобланади. Бу унинг ажойиб илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топланлигига, илмий фаолияти эса Ўрта Осиёдаги республикаларда ҳам кенг танилганлигига намоён бўлади.

Хайрулла ака ҳозирда ҳам ўзининг қайноқ куч-қуввати ва ажойиб меҳнатсеварлиги билан Узбекистонда геология фанининг ривожланиши ва унинг ҳаётга тадбиқ этилишида фаол иштирок этиб келмоқда.

П. СИЛИН.

СУРАТДА: Хайрулла Раҳматуллаев ижодий сафарда.



ЭГАРТЕПА РИВОЯТИ

● ОИКУРҒОН ножиисининг «Оқиғурғон» сокозида жойлашкан 22-ўрта мактаб таҳқиқувчи Турсунали Абдураҳмонов (тургатда чандан иккичи ҳамини ҲАДИД жойлашкан) Этартепа тадабигидан топилган күнни шаҳарда буюлар билан танинг фарзанди Суратшаш У. МАРДИҚУЛОВ.



ҲАР бир касбнинг ўзига яраша қийинчилги, машакати бўлиши сир эмас. Айниқса, археологлар, геологлар ва шу каби соҳа эгалари оиласидан йироқда, турли об-ҳаво шароитида, тоғу тошлар, чўл биёбонлар багрида меҳнат қилишларига тўғри келади. Албатта, уларнинг меҳнатлари самараси давлатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга салмоқли улушини кўшади.

Ҳаётини ер ости бойликларини қидириш ишларига багишлаган инсонлардан бирни геология ва минерология факултида доктори, танникли археолог Хайрулла Раҳматуллаев 60 ёшга тўдди.

Хайрулла Раҳматуллаевич пойтахта туғилиб улғайди. Тошкент политехника олий-гоҳининг геология факуль-

ЯШАШ ЖОЙИНГИЗНИНГ НОМИНИ БИЛАСИЗМИ?

ТАРИХ ФАНЛАРИ
ДОКТОРИ А. НАБИЕВ
ТАҲРИРИ ОСТИДА

БУРЧМУЛЛА — ҳозирги Бўстонлиқ ноҳиясидаги дам олиш масканига айлантирилган қишлоқ. Баъзи бировлар: Кўксув билан Чотқол сувалари қўшилган жойдаги бир бурчакда мулла ўтирас экан, шунинг учун ҳам Бурчмулла, яъни мулланинг бурчи (бурчаги) деб аталган дейнишади. Аслида бу номининг «мулла» сўзига деч қанақа алоқаси йўқ. Иккала сўз ҳам — мўла, бурч (бурк) сўзлари минора деган маъниони англатади.

ГАЗАРМА — Бурчмулла қишлоғи яқинидаги жой. XX аср бошларидан бу ерда мис кони ишга туширилиб, конда ишлайдиган рус солдатлари учун Пском тизмасини ён бағирларида Кўксувдан анча баландликда казармалар қурилган. Кейинчалик кон ишлатилмай кўйилди. Лекин казарма сўзи Газарма шаклида жой номи сифатида сақлаб юлиниди.

ДЕГРЕЗЛИК — Тошкентнинг қадимги маҳаллаларидан бири. Ҳозирги янги цирк биноси ўрнида ва шунга яқин жойда жойлашган эди. Дегрез — қозон қуювчилар, чўян эритувчилар деган маънини англатади. Маҳалла аҳолисининг асосий касби чўян, жез, ажгуш қўйиш бўлган.



ҚАДИМИЙ НАФИС САНЪАТ

● ВИЛОЯТИМИЗНИНГ Янгийўл ноҳиясида иш бошлаган «Меъмор» кичик корхонаси бинолар ичини бе заб турувчи миллий ёғоч ўймакорлиги тайёрлаб бермоқда. Мазкур корхона жамоаси ҳозиртча пойафзал фабрикаси, заргарлик дўкони, чойхоналарининг улгурди. СУРАТЛАРДА: кичик корхона раҳбари, ўймакор Салоҳиддин (ўнгда) укаси Шахобиддин билан янги тайёр маҳсулотни кўздан кечирмоқда.

Сураткаш Ф. ҚУРБОНБОЕВ.

(ЎЗТАГ).



Қайта қуришнинг энг қинва мурракаб ҳозирги даврида ва тарихимизни ўрганимай туриб, қадимитимизни ва кимлигимизни билиш анча мушкул. Бунинг учун, албатта, кўхна ва қадимий маданий меросимизни, шунингдек, бу ўлкада бунёд этилган кўхна Самарқанд, Бухоро, Ургенч, Хива, Ахисент, Эрши, Шошкент каби кўплад шаҳарлар ўзбек халқи тарихини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Кўхна Шошкент, яъни Тошкент Чирчиқ дарёсининг соҳилида, жумхурятимизнинг шимолий-шарқий қисмида, Тяньшань тоғлари этакларида, дengiz сатҳидан 440—480 метр баландда, Чирчиқ дарёси воҳасида жойлашган. Воҳани Чирчиқ, яъни қадимги Фарангсиз тасаввур килиб бўлмайди. Ундан бош олган Искандар, Хоним, Зах, Бўзсув, Солор, Анзор, ўнг ва сўл кирғоқ Қорасув каналлари, Кайковус, Бўржар, Оқтепа, Қорақамиш каби шоҳ ва сугориш тармоқлари шаҳар иқлимини мўътадиллаширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Тошкентдаги ҳозирда мавжуд районларнинг барчасини Чирчиқ дарёсидан бош олувчи ва оби-ҳаёт билан таъминловчи шаҳар сугориш тармоқлари таъминлаб турди. Қадимги манбаларда ҳозирги Тошкент шаҳри ўрнида бундан 2 минг йил илгари йирик ва обод Шош шаҳри бўлганлиги кайд қилинган. Археологик қазишималар натижасида ўша даврага оид сопол идишлар, бронза, ойна ва турли мамлакатларда ҳамда шаҳарда зарб

етилган танга пуллар топилган. Бироқ ҳозиргача Тошкентнинг ўша даврдаги номи аниқланган эмас. Тошкент то эрамизнинг VII асрининг охиригача Чоҳ, Шош, Тадж каби номлар билан атабил келинган, кўпроқ давларда ҳамда манбаларда Шошкент номи билан машҳур бўлиб, шу номдаги Феодал давлатларнинг пойтахти ўзбек халқи тарихини ўрганишда асосий шаҳарни Бинкет ёки Бинокет

қадимги обод воҳалардан бири Тошкентdir. Унинг бир сиқим тупроғидан бир ҳовуч олтин ундириш мумкин, дейди ҳалқ мақолида.

Аммо сугориш каналлари ва шаҳобчаларининг маҳаллий тигдалиги Тошкент воҳаси меҳнаткаш аҳлини силласини қадимдан кутишиб келган. Сув учун кураш меҳнаткаш ҳалқ оммасини доимий қийналиб кун кўриши мажбур килган. Воҳани гу-

лаб отамни қамчи билан савалай кетади. Ҳеч ким мингбоши қўлидан отамни ажратиб ололмайди. Мингбоши обдон калтаклаб чарчагач, сўқина-сўқина кетади. Чала ўлик бўлиб ётган отам оламдан ўтди. Инқилобга қадар бу ариқдан сув бойлайман, деб отамга ўхшаб юзлаб бегуноҳ одамларнинг ўлганини ўз кўзим билан кўрганман. Шунинг учун ҳам отабоболаримиз мазкур ариқка «Қонқус» деб ном қўйган бўлсалар ажаб эмас...

Бу ҳикоя Тошкент вилоят Калинин районидаги Қонқус қишлоғида истиқомат қилувчи 1926 йилдан бери Қонқус ариғига мироблик қилиб келган Ҳолмат ота Хидиров оғзидан ёзиб олинди.

Дарҳақиат, ўтмиш аждодларимиз, боболаримиз сув учун озмунча курашмаганлар. Бу курашлар ва келажак даврон тўғрисидаги орзуумидлар ҳалқ достонларида, ривоят ва нақлларида, қўшиқ ва мақолларида ҳам ифода этилган. Жумладан: кўхна Шошкент воҳасининг сугорилиши тарихига бир наазар ташласак ҳам бу тўғридаги ҳақиқий манзара кўз олдимизда янада яққол наимён бўлади. Тошкент воҳасида учта: Чирчиқ, Оҳангарон, Келес дарёлари ҳавзалари бор. Улар орасида энг йириги Чирчиқ ҳавзасидир. Чирчиқ дарёсининг ирмоқ ва каналлари воҳа ерларини қадимдан сув билан таъминлаб келган. Ҳозирги Бўзсув канали 2 минг йил муқаддам кавланган дастлабки ва асосий сунъий сув йўлидир.

(Давоми бор).

КЎҲНА ШОШКЕНТ ОБИ-ҲАЁТИ

деб атаганлар, Буюк ипак йўлида Шошкент Европа мамлакатларининг Ҳиндистон ва Хитой билан олиб борилган турли алоқаларида мухим роль ўйнаган.

Урта Осиёда сув бўлмаса ҳаёт йўқ, деган ҳалқ нақли бор. Урта Осиё, шу жумладан ўзбекистон шаронтида деҳқончиликнинг асосий қисмини сугориши ташкил этиб, меҳнаткаш ўзбек халқи қадим замонлардан бўён сув учун курашиб келган. У Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Чирчиқ каби улкан дарёлардан каналлар чиқарилб, асрлар давомида катта-қичик водий ва воҳаларни обод килиб келган. Мана шундай

листонга айлантирган ариқ ва каналлардан инқилобга қадар сув ичиш ҳаммага ҳам насиб этган эмас. Ўтмишдаги сув учун олиб борилган курашлардан айримларини диккатнингга ҳавола қиласиз.

«Отам раҳматлик Қонқус ариғидан сув очаман, деб Зангиота волостининг мингбошиси Бурхонбой қамчиси остида ўлганда мен ўн иккя яшар бола эдим. Отам ўша замонда Раҳимбой деган бадавлат киши ерида корандачилик қиласди. Кунлардан бир куни бечора отам Қонқус ариғидан сув очаётганида бирдан Бурхонбой келиб, нега сўроқсиз сув очајсан, ялангоёқ, деб ҳақорат-

ҳайкалчалар ишланган. Милоддан аввал 356 йилда Герострат деган кимса номи чиқариш мақсадида ибодатхона ўй қурди. Лекин унинг номи тарихда бемаъни ваҳшийлик рамзи бўлиб қолди.

ГРЕЦИЯНИНГ жанубида, Олимп тоглари этагида, Олимпида ўйинлари ватанида шуҳрати оламга таралган ибодатхона бўлиб, унинг тўрида юнонларнинг олий худоси — Зевс қиёфаси тасвирланган ҳайкал ўрнатилган. Бу ҳайкал ўз замонасининг машҳур ҳайкалтарориши Фидий томонидан 2400 йилдан кўпроқ вақт илгари, милоддан аввали V асрда ясалган. Зевс ҳайкали — тўртингч мўъжизадир. Ҳайкал ниҳоятда улуғвор бўлиб, баландлиги 14 метр. Зевс худоси олтин, фил суюги, қора дараҳт ва қимматбахо тошлардан ишланган таҳтада ўтирган. Унинг боши зайдутар даҳрати новдаларидан ясалган гулчамбар билан безатил-

ган. Бу — ҳудолар ва одамлар ҳукмдори, осмон, момақалдирик худосининг тинчликсеварлик белгиси. Зевснинг боши, елкаси, қўллари фил суюгидан ишланган, чап елкасига ташланган кийими, сочи ва соқоли олтиндан ясалган. Фидий Зевсни иносоний олийхимматлилик қиёфасида ифодалади. Унинг соқол билан копланган ва сочлари тўзғиган қиёфасида фалалобат, улуғворлик эмас, олийжаноблик, эзгулик балқиб туради. Гүё унинг лабларида ҳозир табассум пайдо бўлади-ю, азимкор қаддини ростслаб, таҳтдан турадигандай туюлади.

Афсуски, бу ҳайкал ҳам бизгача етиб келмаган: ёнгин вақтида батамом вайрон бўлган. Ҳозирги вақтда тарихчилар юнон йилномаҷилари ёзиб қолдириган маълумотлари асосида Зевс ҳайкални тасвирлаб бермоқдалар.

(Давоми бор).

Дунёнинг „етти“ мўъжизаси

ЕТТИ «мўъжизаси»нинг яна бири Семироданинг са-мовий боғларидир. Бу боғлар қадимги Шарқнинг энг катта ва бадавлат шаҳри — Бобилда (ҳозирги Ироқ давлати ҳудудида) бўлган. Самовий боғлар нинг яратилиши ривоятларда аёл подшо Семироданинг номи билан боғланади. Аслида эса улар подшо Навуходоносор фармойиши билан милоддан аввалиги VI-асрда бунёд этилган. Подшо ўз саро-

йини баланд сунъий майдон устига қурган. Майдонга қават-қават айвонлар орқали чиқилган. Ҳар бир қават айланана-қубба шаклида бажарилиб, уларни баланд тош устун тутиб турган. Айвонларнинг усти қамиш билан ёпилиб, устидан гиш терилган, сўнг қўргочин пластинкалар ётқизилган. Кейин юқорига жуда кўп миңдорда тупроқ чиқарилиб, бутун том бўйлаб қалин қилиб солинган. Ҳар бир қаватда дарахтлар ўтқазилиб, гўзал боғлар яратилган. Бу боғ-

ОМАД ЁР, ЎЗИ БАХТИЁР БЎЛСИН!

АТОҚЛИ сўз усталари хақиқий бадий адабиёт мактабини яратишди. Бу мактаб мударисларидан сабоқ олиб, ўзи ҳам бу кунда муаллимлик шарафига мусассар бўлганлар: Асқад Мухтор, Одил Екубов, Пиримукул Ҳодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сафида Уткир Ҳошимов номи ҳам ардоқлашиб тилга олинади.

Уткир Ҳошимов асарлари ўзининг мулоймилги, майнилиги билан дилни тортади. Уткирнинг ҳаҳрамонлари ўйчан, мулоҳазакор, бўлар бўлмасга шовқин солмайди. Аммо ноҳаклини кўрса чидамайди. Дарров аралашиб ноҳак эзилгандар тарафини, адолат тарафини маҳкам ушлайди.

Уткир асарларининг яна бир рангин бўёғи ўта савимийлиги. «Одам ўзидан ўтиб қаёққа ҳам бораради» дейди ҳақимиз. Уткир ўзидан ўзи ўшига, ўзини ақлдироқ қилиб кўрсатишга уринмайди. Самимий бир

одам сифатида ҳамсұхбат бўлади. Ҳудди шу йўл билан китобхон кўйинга қўл солади. Уни сұхбатга тортади, дил-дилдан бахшлашади, юракка йўл топади.

Бу фикримизнинг далили учун Уткирнинг истаган китобини кўлга олсан киёфа. Бу «Чўл ҳавоси», «Баҳор қайтмайди», «Дунёнинг ишлари», «Пўлат ча-вандоз», «Парвонанинг куни», «Қалбиннга қулоқ сол», «Одамлар нима деркин», «Нур борки, соя бор», «Шудринг томчиси», «Ўзун тунлар», «Қўёш тарозуси» ва ниҳоят «Иккى эшик ораси» бўладими — фарқи йўқ. У қайси мавзу ё ҳаёт манзарасини чизмасин, ўта самимий инсонпарвар, ҳақ йўлида адолатли инсонлигича қолаверади.

Дастлаб қараганда баъзи саҳифаларда чучмалроқ, ширини кўпроқ манзаралар ҳам борга ўҳшайди. Ҳинд фильмларига ўҳшаб ўйлашига, кўйиб ёнишга дарьват бордек. Атайлаб шундай қилинётгандай кўрина-

ди. Аммо булар дастлабки чала таассуротлар. Сиз тобора саҳифаларга кириб борар экансиз, чучмал деб ўйлаган ўйнинг шимилид кетади. Шарқоналик, ўзбеконалик ўз гирдобига тортиб кетади. Сиз Уткир тасвирлаётган оламга кириб кетасиз. Ўша оламнинг ўз фуқароси бўлиб, китоб ҳаҳрамонлари билан бирга нафас оласиз, ишлайсиз, хуллас бирга яшайсиз.

Менимча, ёзувчиликнинг биринчи белгиси ана шу сеҳрлашда бўлса керак. Одамни сеҳрловчи китоблар кам яратилади. Улар ноёб бўлади. Ёзувчилик иши ўзи — ноёб.

Бу серзаҳмат, мушаққатли йўлда сеҳрлар ёзувчимиз дилбарлик, мусаффолик, покликини кўйлаб келаётган адабимиз Уткир Ҳошимовга омадлар ёр, ўзи бахтиёр бўлсин!

САИЕР.

Кўз олдимга онамнинг китоб ўқиб ўтирганлари келди. Тез-тез кўзойнанни олиб, қўллари билан кўзларини артадилар.

— Ойи, сизга нима бўлди? — дедим яқинроқ бориб.

— Ҳеч нарса, болам, фақат юрагим эзилиб кетди, — деб жавоб қўлдилар. Ўқиётган китобларининг устини ўтириб қарадим: «Иккى эшик ораси».

Ҳа, китоб ўзиш қийин эмас. Ҳақиқий асар яратиш эса ҳаммага ҳам насиб қиласвермайди. Энг қиёнги, ҳақиқий асарлар турли мавзуда бўлса-да, нимаси биландир бир-бирига ўҳшайди. Ва шундай асарни ўқиб қолган киши дарҳол

— Бу юбилей эмас, балки китобхонларим олдиаги бир ҳисоботим бўлади, холос, — деб жавоб қилди.

Мен:

— Уткир ака, адабиётнинг бир ихлосманди сифатида айрим нарсаларни эслайман. Шулардан бирни у соҳа классик, соҳа ҳозирги давр бўлсин, ўзбек қаламакшининг юбилейлари кўпинча ёдимиздан «кўтарилар» эди. Нишонланса ҳам, номигагина бўлиб ўтарди. Шу кеча-кундузда ўтказилаётган юбилейлар нафақат ўша адаб ё шоирнинг, балки ўзбек ҳалқи қадриятининг тантаналаридир, — дедим.

Уткир ака ҳам бу фикримга кўшилиниди.

Минг шукрки, бугунги кунда ҳалқ ўзи севган адабининг 80 ёшига киришини пойлаб ўтирай, 50 ёшида ҳам қутлаш баҳтига эришиди. Ахир, истеъоду иктидор ёш билан ўлчаммайди-ку.

Хаёлимдан яқиндагина бўлган қатор тантаналар бир-бир тизилиб ўти: Мирмуҳсин домланинг 70 йиллиги, Миртемир домланинг 80 йиллиги, устоз Иброҳим Раҳимнинг 75 йиллиги, ҳассос шоиримиз Шукруллонинг 70 йиллиги. Бугун эса Уткир ака 50 ёшида. Ҳа, биз ўзлигимизни топмоқдамиз.

Ушбуни Уткир Ҳошимовга келган ҳатлар асосида ёдим. Хулоса ўрнида яна бир мактубдан кўчирма келтирсан:

«Хурматли ёзувчимиз Уткир Ҳошимовга!

Сиз адолатпарвар ёзувчимизнинг «Совет Ўзбекистони» газетасида чоп этилган «Давлат сири»номли мақолангизни ўқиб чиқдик. Ҳақиқатан ҳам, баён қилган фикр-муҳазаларингиз ўзбекистонда яшаётган соғ вижонли, қалби пок инсонларнинг дилдида ёниб ётган ҳақиқатдир...

Сизга гайрат, шикоат тилайдиз. Ўзлигини билган ўзбек ҳалқимиз сизни ҳурмат билан ўззозлайди, деб имзо чекдик:

Мехнат ветеранлари Носиров, Дадажонов, Атҳамов, Зиёбов, Сатторов.

Уруш ветерани Мирзаев. Тошкент вилояти, Тошкент райони, с/х Абдураҳмонов.

Олтин олма, дуо ол, дейишади кексаларимиз. Эл-юрт назарига тушган Уткир ака бу нақлни ўз умрига мазмун қилиб олганлигига адаб асарларининг бир мухлиси сифатида ишончим комилдир.

Д. ЭГАМБЕРДИЕВ.

ЎТКИР ҲОШИМОВ БЎЛГАНИМ ҚИССАСИ

БИР пайтлар қизиқ-қизиқ одатлар бўларди. Ҳар хил поездлар ташкил қилиниб, жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориларди. Шундай сафарлардан бирида кўйидаги воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди.



Билетлар бешта бўлиб, тўртаси бир купега, қўлган биттаси бошқа купега экан. Аввалига гаплашиб ўтириш учун бир купега жойлашдик. Суҳбат қизигандан қизиб бораради. Уткиржон бор жойда, айниқса, ҳазил-мутобиба, ширин юмор ва лутф авжига чиқади. Қизиқ-қизиқ ҳикоялар айтилади, кулгии ҳаҳрамалар юнграйди.

Бир пайт купенинг эшиги қия очилиб кузатувчи кўриндида:

— Ораларингизда Уткир деган ёзувчи борми? — деди. «Ҳа, бор» дедик.

— Қайси бирлари ўша Уткир бўладилар. Кўриб қўйсан бўладими? — деди.

Мен тўрда, Уткиржон туртада эдик. Уткиржон турттар экан: «Оббо, яна ютилдим, ё ютиздим!» — деб қўйди. Мен Уткирнинг туртганини тушундим-да:

— Мен Уткирман, — дедим. Кузатувчи;

— Ўзим ҳам айтган эдим-а, Уткир бўлгандан кейин гавда ҳам ўткур бўлади-да!

— деди ва чиқиб кетди.

Биз ҳеч нима бўлмагандай сұхбатни келган жойидан бошладик. Бир пайт чой кўтари боғият кузатувчи келиб қолди. Менга қараб: Оббо, Уткиржон ёзгувчимей, аммо — лекин ютилдим, — деди-да яна чиқиб кетди. Бир пасдан кейин яна қоғозга ўроғлик бир нарса кўтариб кириб келди. Пиширилган гўшт, қази, думба ва яна алланмар... Енимизга чўқди. — Энди, ҳамроҳларингиз билан таништирангиз, — деди. Мен ҳаммани таништириб келиб Уткиржонга келганди:

— Бу киши хурматли профессоримиз фалончиев бўладилар, — дедим.

— Ҳа, — деди кузатувчи, — профессор бўлмани деб ўқибвериб гавдам ҳаљигидай бўлиб қолган эканда, — деб ҳазил қилгандай бўлди. Сўнгра ёрилди. — Шу десаларингиз, биз ҳам оз-моз ўқиб турамиз. Бир пайт кўлумига Сизни китобингизни тушиб қолди. Бир бошлагандан бош кўтаролмай қолдим. Шу-шу мухлисингизман. Ҳудога шукр ўзингизни кўрдим. Қани, олиб ўлтиринглар, мен ҳозир, — деди-да яна чиқиб кетди. Кейин униси уни, буниси буни кўтарган ҳолда кишилар бирин-ке-

тин кириб келишаверди, келишаверди... Кирган киши борки, менга ўткур ака ёзгувчимиз», деб мурожаат қиласверди, дастурхон бойигандан бойиб бораверди. Суҳбатимиз қизигандан қизибверди. Қишилар «ёзгувчи ўткур Ҳошимов»ни кўрганларидан шод, биз эса сиримиз ошкора бўлиб қо-

лишини ўйлаб ҳижолатдамиз. Пайтни топиб, Уткиржоннинг кулогига аста «сири очмасам бўлмайди, шарманда бўлмаз», дедим. Уткиржон:

— Э, бўлар иш бўлди, энди Қўонгача сиз — мен, мен-сиз бўлиб қолаверайлик, — деди.

Шундай қилдик. Ётарга яқин англодики, вагонимизнинг ярми бир-бировлари билан ёзгувчи Уткир Ҳошимов ҳақида гаровлашибдилар, кимдир ютибди, кимдир ўз сўзида қолиди...

Мен дўстларимни колдириб бошқа купега чиқдим. Ҳақиқий машмаша ана ундан кейин бошланди. Ҳамроҳим-инженер Уткиржоннинг ҳамма асарларини деярли ўқиб чиқдан экан. Менин сўроқларга кўмий ташлади: «Фалон асарингизни қачон ёзгансиз? Пистон асарингиздаги ҳаҳрамонин прототипи борми? Ёзувчи бўлиш учун нима қилиш керак? Ижодингизни қачондан бошлагансиз?». Ва ҳоказолар. Табиики, мен ҳамма саволларга жавоб беролмадим. Мен ётиш гамида, ҳамроҳим инженер эса савол бериш билан банд...

Бўлмади, ўрнимдан турбиди ён купега чиқдим-да Уткиржонни ўйғотдим:

— Ҳу Уткирвой, бўлмаганди, ёзувчиликнинг олингда, олимлигимни беринг, шу ҳолда кетса Қўонгача этолмайман.

Уткиржон бўлса парвойи палак, ҳеч нима бўлмагандай:

— Жон ёзгувчим, менинг чўйинг... фикрлаб дам олайиман, дам олиб фикрлајиман. Нима бўлсаям Қўонгача чидайсиз, — дедида тескари қараб олди.

Мен эрталабгача инженернинг саволларига жавоб бериш билан банд бўлдим.

Малик МУРОДОВ,
Филология фанлари доктори, профессор

оддин мутолаа қўлган бошқа бир ҳақиқий асарини, унинг муаллими кўз олдига келтиради:

«Уткир ака!

Мен Сизнинг асарларингизни ўқиганда Шолохов ва Чингиз Айтматов китобларини ўқигандек таъсирилсанам», — деб ёзибди Хоразм вилояти, Ҳазорасп ноҳия, Ленин жамоа ҳўжалигиди истиқомат қилувчи Шакархон Ибодуллаева.

Ёзув столим устидаги адаб ногига келган ҳатлардан ҳеч бўлмагандай биттадан жумла олсан ҳам кичикроқ, аммо жуда самимий қисса ҳосил бўлиши аниқ. Аммо Уткир Ҳошимовнинг бақувват ижодини бўйлаш учун қисса камлик қилган бўларди. Дарҳақиат, унинг қатор ҳикоялари, қиссалари, романлари ҳозирги ўзбек адабиёти саройини кўтариб турган саноқли устунлардан бирни бўлиб жой олганлигига ҳеч шубҳа йўқ.

Мен ушбуда ёзувчи ижодига илмий чизиглар чизиш хаёлидан йириқман. Агар шунга жазм қўлсан, айтадиган гапларимга қандайдир расмий оғанг аралашиб қолини мумкин. Мен юқорида қайд этилган мухлислар орасида қолини иштайман. Токи самимийлик йўқолмасин.

Яқинда Уткир ака билан унинг иш бўлмасида қисқача сұхбатлашиб қолдик. Ва табиики, мен гапни қутловдан бошлаб, у кишини 50 ёши билан табриклидим. Шунда адаб:



КҮРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

Душанба, 11

● УЗТВ I

- 18.00 Янгиллар.
- 18.10 «Энг митти Гном». Мультфильм.
- 18.25 «Ёшлик»—студияси күрсатади. «Истиқбол».
- 19.00 «Давр ва сиёсат». «Озодлик» радиостанцияси Узбек шўбаси бўлнимининг раҳбари Екуб Тўрон билан сұхбат.
- 19.30 «Ахборот» [рус тилида].
- 19.50 «Сурхон». Телевизион.
- 20.00 «Хулкар». Телевизион. Адабиётшунос Иброҳим Фарғон олиб боради.
- 21.00 «Ахборот».
- 21.25 Санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти.
- 22.45 «Малласоч малика». Бадний фильм [«Ленфильм»].
- 00.05 Эртаниги күрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II

«ТОШКЕНТ»

- СТУДИЯСИ КҮРСАТАДИ
- 18.30 «Ассалому алайкум» [такрор].
